

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги Хайъатининг раиси



А.Х. Юнусов

2016 йил «23» май

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  
Хайъатининг йиғилиш  
(ОАВ ва нашриёт вакиллари учун очик хайъат йиғилиши)  
БАЁНИ

2016 йил «23» май

№ 5

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А.Х. Юнусов - Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги  
Хайъатининг раиси

Қатнашганлар:

К.Т.Мансуров - Хайъат раиси ўринбосари

С.С.Шукуров - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар  
сиёсати, таълим, маданият ва спорт масалалари ахборот-таҳлил  
департаменти бош мутахассиси

Хайъат аъзолари - З.Т. Исаджанов, А.М. Бекмуратов

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари  
раҳбарлари ва масъул ходимлар ҳамда тизимдаги корхона, ташкилотлар раҳбар ва  
масъул ходимлари ОАВ ва нашриёт вакиллари (рўйхат бўйича).

**Республика “Китоб байрами”ни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот  
воситаларида матбуот, матбаа, ноширлик ва оммавий ахборот воситалари  
ривожига соҳасида бериб бориладиган материалларнинг Медиа – режаси ҳамда  
Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирлари  
тасдиқлаш, шунингдек, 2016 йил 5 ойда бажарилиши лозим бўлган вазифалар,  
ижро интизомини таъминлаш борасида**

*(Юнусов, Мансуров, Миркомитов, Исаджанов, Худойқулов, Муродов, Усмонова, Акрамова,  
Кан, Ҳамдамов, Урунов, Ташмурадов)*

Йиғилишни Бош директор А.Юнусов очиб бериб, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 майдаги № 162 сон Қарорини маълумот ва иш  
жараёнида фойдаланиш учун қабул қилиш, ҳукумат фармойиши ва қарори ижросини  
таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Ёшлар сиёсати, таълим, маданият ва спорт  
масалалари Комплексининг 2016 йил 10 майдаги Республика “Китоб байрами”ни

Ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (07-07/1-76) мажлис баёнида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадбирни кўтаринки рух ва юқори савияда ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситаларида маъбуот, матбаа, ноширлик ва оммавий ахборот воситалари ривожига соҳасида бериб бориладиган материалларнинг Медиа – режаси ва Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирларини ўз вақтида сифатли бажариш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, жорий йилнинг 21 май куни Наманган ва Фарғона вилоят марказларида, 22 май куни Андижон вилоят марказида “Китоб олами” маърифий мажмуаларининг очилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Шунингдек, IX-Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида жорий йил апрел ва май ойларида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 февралдаги 4613-сонли фармойишига асосан, “Бонд ЛТД” корпорацияси билан “Гротекс” МЧЖ қўшма корхонасининг давлат улушини харид қилиш масаласи, Самарқанд, Хоразм ва Жиззах вилоятларида “Китоб олами” маърифий мажмуаларининг 2016 йил 25 майгача тўлиқ ишга туширилиши ҳамда “Ўқитувчи” НМИУ да йиллик тематик мавзу режаларида белгиланган адабиётлар вақтида чоп этилмаётганлиги, чоп этилган китобларнинг хилма-хиллиги ва бадий жиҳатдан талаб даражасида эмаслиги, 2016-2017 йиллар куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар, ахволи муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, Агентлик ва унинг тизим корхона ҳамда ташкилотлари томонидан жорий йилнинг 5 ойида режалаштирилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш борасида тегишли кўрсатмалар берилди.

Агентликнинг 2016 йил биринчи ярим йиллик иш режасида белгиланган вазифалар ва Ижро интизомига қатъий риоя этган ҳолда барча кўрсаткичларни ўз вақтида сифатли бажарилиши масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган ахборотлар ва билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, **Ҳайъат йиғилиши қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 майдаги Республика “Китоб байрами”ни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (07-07/1-76) мажлис баёнида белгиланган вазифалар ижроси, Агентлик ва унинг тизимидаги корхона, ташкилотларда 2016 йил 25 апрел Ҳайъат йиғилишида берилган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 99-в-сонли Раёсат мажлиси Баёни ва Агентликнинг 2016 йил биринчи ярим йиллик иш режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан масъулларнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан оммавий ахборот воситаларида матбуот, матбаа, ноширлик ва оммавий ахборот воситалари ривожига соҳасида бериб бориладиган материалларнинг Медиа – режаси 1-иловага мувофиқ ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг матбуот ва ахборот соҳасида Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш тадбирлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. **Оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ҳ.Муродов), Ахборот хизмати (Ш.Урунов)**га “Китоб байрами” тадбирини ўтказиш борасидаги материалларнинг республика оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши, байрам доирасида ташкил этилаётган “Китоб-миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси” мавзуидаги IV илмий-амалий конференциянинг юқори илмий ва амалий руҳда ўтказилиши,

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Бунёдкор” ёшлар телекомплекси орқали Республика “Китоб байрами” кунларида вилоятлардаги тадбир иштирокчиларининг тўғридан-тўғри мулоқоти ташкил этилиши таъминлансин.

**4. Оммавий ахборот воситалари ва нашриётлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Х.Муродов), Матбаа корхоналарини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (С.Хашимов)га 2016 йил 31 майгача “Ўқитувчи” НМИУ нинг йиллик мавзу режасини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, шакллантирилганлиги, Давлат дастурига мувофиқ, белгиланган китобларнинг ҳамда жами жорий йилнинг 20 майгача чоп этилган китоблар тўлиқ таҳлилий ва танқидий ўрганиб чиқилсин ва хулоса қилиниб, камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан кескин интизомий жазо чораларини кўриш борасида тегишли таклифлар киритилсин.**

**5. Агентликнинг Ахборот коммуникация-технологияларини ривожлантириш бўйича махсус бўлими (Ў.Ҳамдамов), Ижро-назорати (Д.Зоиров) ва “Ўқитувчи” НМИУ маркетинг бўлими (Ғ.Бозоров) 2016 йил 23-25 май кунлари Андижон ва Фарғона вилоятлари матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаларига хизмат сафарига юборилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 декабрдаги 99-в-сонли Раёсат мажлисида белгилаб берилган вазифалар ижроси, жойларда кадрлар салоҳияти, уларни жой-жойига қўйиш ва тўлиқ таъминлаш, бошқармаларнинг иқтисодий ва молиявий аҳволини яхшилаш, ахборот коммуникацион хизматлар доирасида ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва соҳага оид фармон ва қарорлар ижросини мақсадли ўрганиши кўрсатиб ўтилсин. Ўрганиш натижалари юзасидан маълумотнома тайёрланиб, раҳбариятга киритилсин.**

**6. Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (А.Кан) ўтказилган хизмат текшируви якунлари билан аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш чоратадбирлари ижроси кунлик амалга оширилсин ва ҳар ҳафта якуни билан унинг ижроси бўйича ахборот киритсин.**

Давлат рўйхатидан ўтмаган оригинал макет тайёрлаш ишларини амалга оширадиган оммавий ахборот воситалари таҳририятларини аниқлаб, ўрнатилган тартибда уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари назоратини янада кучайтирсин.

**7. Юридик бўлим (М.Мамаюсупов) жорий йилнинг 1 июнига қадар Агентликдаги барча идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг хатловдан (инвентаризациядан) ўтказилишини таъминласин.**

Агентликнинг 2016 йил биричи ярим йиллик иш режанинг 9-бандига асосан Коррупцияга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлар-Журналистлар ижодий уюшмаси, Босма ОАВлари ва ахборот агентликларини қўллаб-қуваатлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси билан ижтимоий ҳамкорлик келишувлари (битимлар) лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар якунига етказилсин ва амалга ишлар юзасидан ахборот киритилсин.

**8. Лицензиялашни ташкил этиш бошқармаси (А.Кан), АКТ ва махсус бўлим (У.Ҳамдамов), юридик бўлим (М.Мамаюсупов) 2016 йил 2 июнгача Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 214, 454 ва 275- сон қарорлари билан тасдиқланган Низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ҳуқуқат қарори лойиҳасини тайёрлаб киритсин.**

**9. Матбаа корхоналарини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси (С.Хашимов)га** Ўзбекистон Республика Бош вазири томонидан 2016 йил 29 апрель куни тасдиқланган Чора-тадбирлар режаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 121 сон Қарори ижросига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 29 апрелдаги Назорат режасидаги белгиланган топшириқлар ижроси ўз вақтида бажарилиши бўйича масъуллиги кўрсатиб ўтилсин, топшириқлар ижроси юзасидан ахборот киритилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 февралдаги “Матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда техник аудит ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1-сон (№07/02-08-1, 19.02.2016й) мажлис баёнига мувофиқ, белгиланган муддатда тизимдаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида мавжуд матбаа ускуналарини техник аудитдан ўтказиш ҳолати кунлик назоратга олинсин, амалга оширилган ишлар борасида ўрнатилган тартибда ҳисобот киритилсин.

**10. Иқтисодий таҳлил бошқармаси (Ж.Миркомиллов), Юридик бўлим (М.Мамаюсупов) Ўзбекистон” НМИУ (З.Исаджанов), “Ўқитувчи” НМИУ (Р.Худойкулов), Ғафур Ғулом номидаги НМИУ (Л.Тангриев), “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН (Қ.Маҳкамов), Чўлпон номидаги НМИУ (У.Ишмухаммедов)** биргаликда **бир ҳафта муддат ичида** қонун талаблари ҳамда бугунги кун давр талабидан келиб чиқиб тадбиркорларнинг белгиланган тартибда шартнома шартларига мувофиқ сотиб олаётган маҳсулотини ўз вақтида тез ва қўлай тўскинликсиз олиб кетиши бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилсин ва қонун доирасида тартибга келтирилсин.

**11. Самарқанд, Бухоро, ва Жиззах вилоятларида “Китоб олами” маърифий мажмуаларини ташкил қилиш борасида олиб борилаётган ишларни масъуллар (Чўлпон номидаги НМИУ-У.Ишмухаммедов, Маъмурий бинолардан фойдаланиш бошқармаси- Я.Нурметов, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН-Қ.Маҳкамов)га** белгиланган муддатда бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш кўрсатиб ўтилсин.

**12. 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлашни таъминлаш бўйича Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани ва Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган ишларга эътиборни сусайтирмасликлари Агентликнинг марказий аппарат ходими А.Муродов, Ўзбекистон” НМИУ З.Исаджанов, “Ўқитувчи” НМИУ Р.Худойкулов, Ғафур Ғулом номидаги НМИУ Л.Тангриев, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН Қ.Маҳкамов, Чўлпон номидаги НМИУ У.Ишмухаммедовга** яна бир бор таъкидлаб ўтилсин.

**13. Иқтисодий таҳлил бошқармаси (Ж.Миркомиллов)га, Юридик бўлим (М.Мамаюсупов) Матбаа корхоналарини тизимли равишда модернизациялаш ишларини молиявий таъминлаш учун уларнинг бино иншоотларини гаровга қўйиш шarti билан тижорат банкларидан кредитлар олиш ҳақида ва Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган, фоиз тўлови ва асосий қарз тўловини муайян даврга узайтириш шартларига асосланган имтиёзли кредитлар бериш тўғрисидаги Хукумат қарори лойиҳаларини Адлия вазирлигига киритиш масаласини қисқа муддат ичида ҳал қилиш чорасини кўрсинлар.**

**14. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти (Қ.Маҳкамов), “Китоб олами” ҳамда “Ўздавкитобсавдотаъминоти” МЧЖ раҳбари (Ш.Ахунжанов) IX Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларнинг бажарилиш графигига мувофиқ май ойи учун белгиланган режанинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш чораларини кўриб, натижаси**

хакида **25 май куни** Агентликнинг Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш бошқармасига маълумот киритиш топширилсин.

**15. Бош директор ўринбосари (К.Мансуров), умумий бўлим (Ҳ.Ташмурадов)** томонидан Агентликнинг марказий аппаратида ижро интизоми борасида олиб борилаётган ишлар мониторинги давом эттирилсин ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши назорати ҳамда ҳафталик Агентлик марказий аппарати бошқарма, бўлимларининг бажарган ишлари ҳисоботи умумлаштирилиб раҳбарга киритиб борилсин.

**16. Умумий бўлим (Ташмурадов)** ушбу қарорнинг барча ижрочиларга етказилишгини таъминласин ва ижроси юзасидан тақдим этиладиган ҳисоботларнинг белгиланган тартибда назоратини юритсин.

**17. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.**

Баёни ёзди



Ҳ.Ташмурадов